

Олимлар ПВХни олти мартагача қайта ишлаш имкониятини исботлашди

// 15.04.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2936f4da-3d36-482d-b464-266f48718eb8>



Испаниянинг AIMPLAS технология марказининг янги лойиҳаси доирасида Белгиянинг VinylPlus Healthcare компанияси кўмагида олимлар тиббий асбоблар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган эластик ПВХни механик қайта ишлаш имкониятларини ўрганишди.

Материал қўшимчаларсиз олти та тўлиқ қайта ишлаш циклидан ўтди.

Тадқиқот чоғида эътибор инфузион эритмалар учун ишлатиладиган тиббий найчаларга, шунингдек, қон қуйиш ва диализ тизимларига қаратилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, мустаҳкамлик чегараси ва пластификатор таркиби барча олти цикл давомида барқарор бўлиб қолди. VinylPlus Healthcare ташкилотининг маълум қилишича, статик термал барқарорликнинг бироз пасайиши фақат тўртинчи циклдан кейин қайд этилган. Олтинчи циклдан кейин енгил сарғиш тус ҳам қайд этилган.

BASF компанияси олиб борган қўшимча тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ПВХнинг бошқа таркиби термал барқарорликни сақлаган ҳолда 11 тагача экструзия циклига бардош бера олади. Олтинчи циклдан кейин енгил сарғиш ҳам пайдо бўлди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати